

ЛАЛМИКОР МАЙДОНЛАРДА БЕДАНИНГ ЮҚОРИ ҲОСИЛЛИ НАВ ВА ТИЗМАЛАРИ

Исаков К.Т.

қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, к.и.х.,

Холдоров А.А.

қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), к.и.х.,

Жўраев М.А.

қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD), к.и.х.

Қўшматов Б.С.

мустақил тадқиқотчи

Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти.

e-mail: uzniizerno@yahoo.com

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8174238>

ARTICLE INFO

Received: 13th July 2023

Accepted: 20th July 2023

Online: 21th July 2023

KEY WORDS

Лалми майдон, беда, нав,
тизма, ем-
хашак, баргланиш,
тупланиш пичан, кўк
масса, озиқа бирлиги,

ABSTRACT

Мақолада лалмикор майдонларда сўнги йилларда (2021-2023йй.) беданинг касаллик ва зараркундаларга, ташқи муҳитнинг ноқулай омилларига чидамли, баргдорли юқори озуқабоп сифатга эга бўлган навларини танлаш ҳамда юқори ҳосил берадиган маҳаллий янги навларини яратиш бўйича олиб борилган беда нав ва тизмаларини ўрганиш натижалари асосида танлаб олинган юқори ҳосилли нав ва тизмаларнинг батафсил тавсифи ёритилган.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги Фармони ва 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сонли «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорларида мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини ошириш, қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилиги соҳасида замонавий миллий, экспортбоп навларини яратиш механизмини такомиллаштириш, бунда тезпишар, ҳосилдорлиги юқори, қурғоқчиликка ҳамда касалликларга чидамли янги навларини яратиш, уларнинг оригинал уруғчилигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган, Бунда умумий экин майдонлари таркибида озуқа экинлар улушини 2021 йилда 10% га, 2025 йилда 12%, 2030 йилда 15% га етказиш мақсад этиб белгилаб берилган.

Шунинг учун лалмикор ерларда ем-хашак экинлари, хусусан беда экинини бошоқли дон экинлари билан алмашлаб экиш тизимида етиштириш тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишда, чорвачиликни ривожлантиришда юқори оқсилли омукта ем ҳамда ширали озиқалар билан таъминлаш долзарб масала ҳисобланади. Бу борада кўпгина олимлар ўз илмий изланишлари натижаларида таъкидлаб ўтишган [4,6].



Беданинг озиқа бирлиги, оқсил (протеин) миқдори, баргдорлиги ва уруғ ҳосилдорлиги юқори бўлган серҳосил янги навларини яратиш орқали мавжуд майдонлардан олинган озиқа бирлигининг ортиши билан биргаликда чорвачиликда озиқага бўлган эҳтиёжлар қондирилади.

Республиканинг лалмикор деҳқончилигида, айниқса, тоғолди ва тоғли минтақаларида қорамол боқиладиган чорвачилик комплекслари қурилиши чорва молларини тўлиқ қимматли озиқа билан таъминлашда, табиий пичанзор, яйловларда ем-хашак етиштиришда интенсифлаштиришга асосланиш зарурлигини кўрсатмоқда [5].

Лалмикор ерларда алмашлаб экишни кенг жорий этиш учун зарур бўлган беда ва бошқа бир йиллик ем- хашак экинларининг ташқи муҳитнинг ноқулай иқлим шароитларига мос, биотик ва абиотик омилларига чидамли, ҳосилдорлиги ва озуқабоплиги юқори бўлган навларини танлаш ва яратиш ҳамда уларнинг бошланғич уруғчилигини йўлга қўйиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Бу муаммоларни ечишда лалмикор ерлар учун ем-хашак экинларининг касаллик ва зараркунандаларга, ташқи муҳитнинг ноқулай омилларига чидамли, юқори озуқабоп сифатга эга бўлган навларини танлаш ҳамда юқори ҳосил берадиган маҳаллий янги навларини яратиш ва жорий этиш асосий вазифадир.

Ем-хашак экини сифатида қўлланилган беда экини тупроқ унумдорлигини оширишда муҳим рол эгаллайди. Бу экин тури бўйича кўпгина олимлар илмий тадқиқот ишлари олиб боришган [3,4,5,6].

Маълумотларга кўра беданинг 100 кг пичанида 48,8 %, 100 кг арпа сомонида 35,8 % озиқа бирлиги мавжудлиги тадқиқотларда аниқланган. Беда экини лалмикорликда сурункасига 7-8 йил ҳосил бериб хар йили 1-2 марта кўк масса билан пичан ҳосилини таъминлайди [1,2].

Материал ва методлар. Тажриба материали сифатида Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти марказий тажриба участкасининг лалмикор майдонларида рақобат нав синаш тажриба майдонларида беданинг 8 та нав ва тизмалари 50 м² майдондан 4 қайтариқда экиб ўрганилди. Тажрибалар Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссияси томонидан қабул қилинган (1994) услубий қўлланма асосида олиб борилди.

Тажрибалардан олинган натижаларнинг ҳосилдорлик бўйича математик таҳлили Б.А. Доспехов (1986) услуби асосида амалга оширилди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Беда экинининг қурғоқчиликка, иссиқликка, касалликларга чидамли ва ҳосили юқори бўлган нав ва тизмалари 2002 йилдан буён тўлиқ ҳар томонлама ўрганилмоқда. Ем-хашак экини беданинг мавжуд ва четдан келтирилган намуналари (коллекция)дан фойдаланган холда лалмикор майдонлар учун тупроқ-иқлим шароитларига мос қурғоқчиликка чидамли ва юқори ҳосилли бошланғич манбалари баҳоланди ва танлаб олинди.

Танлаб олинган нав ва тизмалар селекциянинг кейинги босқичларида баҳолаш, танлаш ишлари ўтказилиб, рақобат нав синаш тажриба майдонида

8 та нав ва тизмалар ўрганилди.



Тажриба йилларида нав ва тизмаларнинг ўсув даврида тупланиши, ўсимлик баргланиши, ўсимлик бўйи, кўк масса, пичан ҳосилдорлиги турлича бўлди.

Ўртача уч йиллик 2021-2023 йилларда ўтказилган илмий тадқиқот натижаларига асосан ўсимлик бўйи 86,0-90,3 см ни, ўсимлик ўртача тупланиши 4,2-6,6 тани, баргланиши 37,6-40,1 %, гектаридан олинган ўртача кўк масса ҳосилдорлиги 135,1-148,1 центнерни, пичан ҳосилдорлиги 45,6-48,8 центнерни, андоза «Аридная» навида эса ўсимлик бўйи 86,6 смни, ўсимлик ўртача тупланиши 4,8 тани, баргланиши 38,0 % ни, ўртача гектаридан кўк масса ҳосилдорлиги 135,3 центнерни, пичан ҳосилдорлиги 44,7 центнерни ташкил қилди.

1- жадвал.


Беда нав ва тизмаларининг рақобат нав синаш тажриба майдонидан олинган ҳосилдорлик кўрсаткичлари (Ғаллаорол 2021-2023 йй.).

Т/р	Нав тизмалар номи	Тупла ш ўртача, дона	Барглана- ниш, %	Ўсимлик бўйи, см.	Ҳосилдорлик			
					Кўк масса		пичан	
					ц/га	%	ц/га	%
1	Аридная st	4,8	38,0	86,6	135,3	100	44,7	100
2	№ 6/2010	5,6	40,1	88,6	146,3	108	48,5	108
3	№ 5/2004	6,3	40,0	88,7	140,3	104	46,4	104
4	№ 1/2005	5,8	40,3	90,3	147,0	109	48,7	109
5	№ 6/2006	6,0	42,0	89,0	138,1	102	45,9	103
6	№ 63/25	6,6	39,6	89,3	143,3	106	47,4	106
7	№5/2004	5,5	40,0	87,0	148,1	110	48,8	109
8	№ 2003/5	5,7	40,1	87,7	138,3	102	45,7	102
9	№ 2003/10	5,4	40,1	88,0	139,1	102	45,6	102
НСР ₀₅					10,2		2,1	

Олиб борилган илмий тадқиқот натижасида андоза «Аридная» навида нисбатан № 5/2004, № 1/2005, № 6/2006, № 6/2010 нав ва тизмалар ўсимлик ўртача тупланиши 0,6-1,7 тагача, баргланиши 0,6-1,8 %, кўк масса ҳосилдорлиги 2,8-12,8 ц/га, пичан ҳосилдорлиги 0,9-4,1 ц/га, юқори бўлди.

1-диограмма.

Беда нав ва тизмаларининг кўк масса ва пичан ҳосилдорлиги (Ғаллаорол 2021-2023 йй.)



Хулоса. Олиб борилган уч йиллик илмий тадқиқотлар натижасида беда нав ва тизмаларининг олдинги йилларга нисбатан ўртача тупланиши 0,6-1,7 тагача, барглиниши 0,6-1,8 %, № 5/2004, № 1/2005, № 6/2006, № 6/2010 тизмалар кўк масса ҳосилдорлиги 2,8-12,8 ц/га, пичан ҳосилдорлиги 0,9-4,1 ц/га, юқори деб топилди.

Лалмикор майдонлар учун беданинг рақобат нав синаш тажриба майдонида № 5/2004, № 1/2005, № 6/2006, № 6/2010 тизмалар кўк масса ва пичан ҳосилдорлиги юқори ва сариқ доғланиш касаллигига чидамли бошланғич манба сифатида танлаб олинди.

Юқорида танлаб олинган нав ва тизмалар кўп йиллик натижаларга кўра беда нав ва тизмаларининг ўртача тупланиши, барглиниши, кўк масса ва пичан ҳосилдорлиги андоза “Аредная” навига нисбатан юқори кўрсаткичларга эга эканлиги кузатилди.

References:

1. Байгулова Г.К., Питоня А.А. Оценка сортов и гибридов кормовых культур на устойчивость к болезням. В книге. Материалы науч. мет. Совета Ср. Аз.го селекцентра по зерновым, зернобобовым и кормовым культурам. Т. 1978. Стр. 56-59.
2. Кашкаров А.К. Эффективность озимой ржи как промежуточной культуры и её влияние на плодородие и продуктивность хлопчатника на оазисно-сероземных почвах. Автореф. к.с-х.н.- Тошкент,-1997.-16 с.
3. Орипов Р.О. Промежуточные культуры в хлопковом севообороте./ Ж. Кормопроизводство.-1980.-№12.-С 25.
4. Тиллаев Р. Приёмы улучшения плодородия почвы и продуктивность люцерны. Ж. Сельское хозяйство Узбекистана, -1989.-№6. –С.76-78.
5. Камолитдин И., Холдоров А., Қўшматов Б. (2022). Лалмикор майдонларда беда экини селекцияси ва олинган тажриба натижалари. Евразийский журнал



академических исследований, 2(12), 886–896. извлечено от <https://in-academy.uz/index.php/ejar/article/view/6426>

б. К. Исаков, А. Холдоров, Б. Қўшматов, М. Жўраев, А.А. Умурзаков Лалмикор майдонларда беда селекцияси бўйича тадқиқот натижалари. Prospects of development of science and education 19 (23), 66-69